

ҚОВОҚДОШЛАР ОИЛАСИГА МАНСУБ ЭКИНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХИЛЛАРИ.

**Ғофурова Машхура Сайдулло кизи
Хушбоқова Маржона Собиржон кизи**

Термиз Агротехнологиялар ва Инноватцион ривожланиш институти талабалари
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7644142>

Аннотация: Ер юзидә мазкур оилага мансуб 800 га яқин, Узбекистонда эса 18 тур ўсимлик ўсади. Қовоқдошлар оиласига асосан бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар қиради. Уларнинг пояси (палаги) ўрмалаб ёки барг қўлтигидан чиқадиган жингалаклар билан илашиб ўсади. Барглари оддий, кетма-кет ўрнашган, япроклари панжасимон булинган ёки панжасимон қирқилган. Гуллари тўғри, айрим жинсли, хашаротлар ёрдамида чангланади. Қовоқдошлар меваси – этдор, серсув, сохта резавор мева. Узбекистонда кўплаб экиладиган бу оилага мансуб ўсимликлардан бири ошқовоқдир. Ошқовоқ қовоқ туркумига мансуб бир йиллик сабзавот ўсимлигидир.

Калит сўзлар: Йирик мевали қовоқ, қаттиқ ёки пўстли қовоқ, мускат қовоқ. Қовоқларга мансуб ўсимликлардан чайот ёки Мексика бодринги тугунаклар ҳосил қиладиган кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда бодринг, хўраки ва хашаки тарвуз, қовун, қовоқ, кабачки ва патиссон ҳаммадан кўра кўпроқ тарқалган.

Қовоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг уруғлари жуда кўп бўлиб, эндоспермсиз, тўғри муртакли ва ясси бўладиган йирик уруғ паллали ҳисобланади. Қовоқ – Cucurbita туркумига 21 тур қиради. Шулардан фақат 5 таси маданий ҳолда ўстирилади. Республикамизда экиладиган қовоқлар 3 турга: қаттиқ пўстли ёки оддий қовоқ, йирик мевали қовоқ ва мускат қовоқ турларига мансубдир. Қаттиқ пўстли қовоқ билан йирик мевали қовоқ турлари ўртасида ёввойи ҳолда ўсувчи кенжа турлари мавжуд.

Қовоқдош ўсимликларнинг кам тарқалган хилларидан Марказий Осиёда қуйидагилар экилиши мумкин: крукнек ёки қийшиқ бўйин Америка ва Африканинг кўпгина мамлакатларида тарқалган. Пояси калта, қаттиқ туклар билан қопланган, бута шаклида ўсадиган ўсимлик. Мевалари чўзинчоқ ноксимон шаклда, букик бўлиб, оғирлиги 0,8-1,5 кг га боради. Мевасининг ранги оловранг-сарик ва кулранг юзасида дўмбоқлари ва сўгаллари бор. Эти қаттиқ, малларанг ёки оловранг.

Уруғлари қовоқ уруғларига ўхшаш, лекин анча майда. 1000 дона уруғининг вазни 50-60 кг. Қовоқнинг келиб чиқиш маркази Америкадир. Йирик мевали қовоқ асли Жанубий Америкадан келиб чиққан бўлса, қаттиқ пўстли қовоқ Шимолий Америкадан, мускат қовоқ эса маданий ўсимликларнинг чиқиб келган марказлари жойлашган Жанубий Мексика ва Марказий Америка ўчоқларида пайдо бўлган.

Қовоқдош сабзавотлар гуруҳининг энг кенг тарқалган вакилларига бодринг туркуми мисол бўлади. Бу туркумга мансуб маданий бодринг турининг ўнлаб навлари Ўзбекистонда аниқ ва ҳимояланган майдонларда экилади. Бу гуруҳга Республикамизда экиладиган кабачки, патиссон ва крукнек ўсимликлари қиради. Бу экинлар қовоқ

туркумининг cucurbita pero var. туркумига мансубдир. Cucurbita pero var. Патиссон, Duch-патиссон ёки кулчақовоқ, Cucurbita pero var. crucnek Duch - крукнек ёки қийшиқ бўйин. Яна cucurbita fisifolia Bouchemалабор қовоғи ҳам баъзан экилади.

Булардан ташқари *Sechium edule Swaris*-чайот ёки Мексика бодринги, Момордика *charantia L.* момордика ёки сариқ бодринг, *Ttichosantes anguma L.*- илонбодринг, *Melo flexuosus Pang*-таррек, *Benuncasa hispida L*мумли қишки қовоқ ёки ҳинд қовоғи. *Lagenariya Ser.* ва *Luffa Vill.* Туркумига мансуб баъзи бир навлар ёш ва кўк мевалари айрим ҳолда сабзавот сифатида истеъмол қилинади. Чайот ёки Мексика бодринги Мексика ва Марказий Америкадан келиб чиққан кўп йиллик тропик ўсимлик. Яхши мосланувчан. Франция, Болгари, Кавказ орти, Россияда экилади. Мевалари тугунаклари ва ёш нвдалари овқатга ишлатилади. Мевалари кабачкиникига ўхшаш. Оғирлиги 0.2-1 кг бўлиб, ичида битта уруғи бор. Чайот 2-3 йил ўсганидан кейин ер тагида тугунаклар ҳосил қилади. Пояси 2-10 м узунликда бўлиб, чирмашиб ўсади. Момордика асли ватани Ҳиндистн ва Бирма. Чирмашиб ўсади.

Етилмаган мевалари яшил, етилганлари оловранг-сариқ бўлади. Уруғлари етилганида мевалари учки томонидан плаценталарининг сонига қараб уч қисмга ажралади ва уруғлари тўкилиб тушади. Мевасининг ички томони очоловранг қизил тусда. Илонбодринг Ҳиндистон ва Шри-Ланка оролида тарқалган. Ёш мевалари янгилигича ва ҳар-хил таомлар тайёрлаш учун қайнатиб пиширилган ҳолда овқатга ишлатилади.

Малабар қовоғи-Лотин Америкаси ва Жанубий Осиё мамлакатларида кенг тарқалган. Ёш мевалари овқатга ишлатилади. Уларни қайнатиб, қовуриб, пиширилган ҳолда истеъмол қилинади. Мурабболар, цукатлар тайёрлашда ишлатилади. Уларни қайнатиб, қовуриб пиширган ҳолда истеъмол қилинади. Манзарали ўсимлик сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Идишқовоқ ёки *Легенария Африкадан* келиб чиққан. Африка, Америка, Жануби-Шарқий Осиёда кунг тарқалган. Авваллари Марказий Осиёда экилган, лекин ҳозир кам учрайди. Бу ўсимлик узун поя чиқаради ва атрофдаги нарсаларга чирмашиб ўсади. Мевалари турли шаклда ва хар-хил катталиқда бўлиб, майдалари (100см куб)дан тортиб, ичига чақалоқ сиғадиган жуда йириклари ҳам учрайди.

Меваси етишиш вақтига келиб, пўсти ёғочлашади, ички қисми эса қуриб қолиб, каттакон бўшлиқ ҳосил қилади. Йирик меваларидан сув, мой, дон солиб қўйиладиган идишлар зарб бериб чалинадиган мусиқа асбоблари тайёрланса, майда меваларидан тамакидонлар, носқовоқлар, қошиқлар, косачалар, безаклар тайёрланади.

Шаклланаётган кўк ва ёш мевалари худди кабачки каби овқатга ишлатилади. Ишқомларда ўстирилади ёки дарахтларга чирмаштириб қўйилади. Люффа ёки қозонювгич Ҳиндистондан келиб чиққан. Чирмашиб ўсадиган ўсимлик. Мамлакатимизда 2 та тури учрайди. Мевалари йирик (узунлиги 40,60см) бўладиган ўткир қовурғали люффа. Люффа мевалари худди бодринг сингари янгилигича ва кўклигича, баъзан қовурилган ва қайнатилган ҳолда истеъмол қилинади. Табобатда сурги тариқасида ҳам ишлатилади. Люффанинг етилган меваси цилиндрсимон ёки чўзиқ шаклда ичи бўш бўлади.

Мевасининг учида қопқоқчаси бор. Меваси етилганида шу қопқоқчаси очилади. Ва уруғлари ерга тўкилади. Мевасининг деворларида жойлашган толасимон тутамлари мева етилганида ёғочлашиб, қалин тўр қозонювгич ёки булутни ҳосил қилади. Обдон етилган мевалардан уруғларини бир икки кун намлаб қўйиладида, пўсти арчилади. Тозаланган қозон ювгич ювилиб, қуритилиб олинади. Ундан ҳаммом буюмлари, пойафзал ва бош кийимларга солинадиган қистирмалар, мойни шимиб оладиган булутлар тайёрланади.

Люффанинг биологик хусусиятлари ва етиштириш агротехникаси қовоқники билан бир хил. Қовунлар туркумига асосан маданий ҳолда экиладиган турлар ва навлар кириши билан бирга, айрим ёввойи ёки ярим ёввойи турлар ҳам киради. Жумладан, Фрта Осиёда кенг тарқалган. *Melo agrestus pang*- ит қовун. Далада бегона ўсимлик сифатида ўсадиган бу тур хушбўй ҳидли бўлиб, ўн ўн бештагача майда мевалар ҳосил қилади. *Melo mikrokarpus Pang* майда, мевали ярим маданий қовун бўлиб, етилган мевасида шира кам, нордон, аммо жуда хушбўй бўлади. Эртапишар, манзарали ўсимлик сифатида фойдаланилади. *Melo chintnsus Pang* Хитой қовуни, меваси майда, ширасимон гоҳо чўзиқ бўлади, эти кам ширали, картошка мазасини эслатади, ёки бемаза, нордон.

Маданий ҳолда ўстириладиган ва аҳоли томонидан кенг истеъмол қилинадиган қовун турлари ва навлари чиқиб келиши, тарқалиши ва хилма хил биоэкологик хусусиятларига кўра 3 катта географик ва экологик гуруҳларга ажратилади.

1. Урта Осиё қовунлари.

2. Кичик Осиё қовунлари.

3. Оврупо қовунлари.

Бу 3 гуруҳга мансуб қовунлар морфологик белгилари ва ботаник таърифига кўра, асосан 6 қовун турларига киради. Булар қуйидагилар: *M. хандалак* қовунлар. *M. ameri* амири қовунлар; *M. zard agana* қовунлар ва *M. cantalupa* канталупа қовун турига мансуб хилма хил навлар. Фрта Осиё қовунлари жуда сершира, таркибида қанд моддаси бошқаларга нисбатан кўп бўлиши ва ўта мазалилиги билан ажралиб туради.

Пояси яъни палаги узун, қаттиқ туклар билан қопланган, барглари йирик, ўйилмаган, Эрта, ўрта ва кечпишарлиги, меваларининг шакли, катта кичиклиги, мева этининг ранги, структурасининг хилма хиллиги каби қатор белги ва хусусиятларига қараб 3 турга ажратилади. Булар, хандалаклар, амири ва зард қовунлар.

Тарвуз туркуми 4 га бўлинади.

1. Тукли тарвуз *C. Lanatus* (Thunb) Matsum et Nakai

2. Колоцинт *C. Colocynthis* (L.) Schrad.

3. Жингалаксиз тарвуз *C. Ecirr hosus* Cogn

4. Ноден тарвузи *C. Naudinranus* (Sond) Hook.f

Тукли тарвуз ҳаммадан кўра кўпроқ тарқалган. Бу турларнинг қолган 3 таси ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар бўлиб, селекция мақсадлари учунгина қимматли ҳисобланади. Экиладиган қовоқ турлари бир нечта кенжа турларни ўз ичига олади.

1. Йирик мевали қовоқ 4 та кенжа турга бўлинади: а) Эски дунё қовоғи *subsp. maxima*. Ўзбекистонда кенг экиладиган, меваси ясси, думалоқ, тухумсимон ва чўзиқ шаклда бўлади. 8 та тур хилга бўлинади. Қишки қовоқ (Испан 73 нави), оқ мевали, тухумсимон, кулранг мевали қовоқлар, Мамонт қовоғи, Голланд қовоғи, китсимон, майда мевали қовоқлар шулар жумласидандир. б) Америка қовоғи *subsp. Americana*. Бир мунча кеч пишар, палаги узун, жуда қаттиқ туклар билан қопланган. 7 та тур хилга бўлинади: пилдироқсимон қовоқ, чили, боливия, перу, бразилия қовоқлари, банасимон қовоқ ва тупли қовоқ шулар жумласидандир. с) Хитой қовоғи *subsp. Chinensis*. Кучсиз ўсадиган ўсимликлар бўлиб, меваси майда ва ўртача катталиқда, салласимон, 4 та тур хилга бўлинади, йирик салласимон, ўрта салласимон, майда салласимон қизил қовоқ ва мевали яшил қовоқ. 2. Қаттиқ пўстли ёки оддий қовоқ *Cucurbita pepo L.*

Меваларининг шакли ва ранги туси жиҳатидан жуда хилма хил 4 та кенжа турга бўлинади.

а) Узун палакли қовоқ навлари билан узун палакли кабачки навларини бирлаштиради. 7 та тур хилга бўлинади: тухумсимон, очиқ уруғли қоқоқ, сабзавот қовоқ цилиндрсимон думалоқ қовоқ, ясси мевали қовоқ, сигментланган қовоқ тур хилларига бўлинади.

б) Тупли қовоқ *subsp. brevicaulis*. Мевалари етилмаган ҳолда овқатга ишлатиладиган калта палакли формаларни бирлаштиради. 5 та тур хилга бўлинади: кабачки, патиссонлар, қийшиқ бўйинлар ёки крукнек, йирик мевали қовоқ, Фордчул қовоғи тур хилларига бўлинади.

с) Манзарали қовоқ *subsp. Polymorpha*. Ёввойи ва маданий формаларни дурагайлаш натижасида келиб чиққан. Мевалари майда (50 300), жуда хилма хил шаклда еб бўлмайди, пўсти ёғочланган. Мевалари кутилмаган шаклда бўлгани учун бу қовоқнинг тур хилларини фақат тахминий қилиб ажратиш мумкин.

д) Ёввойи ҳолда ўсувчи қовоқ *subsp. texana* эгачи, биродар деган учта тур хилини бирлаштиради.

3) Мускат қовоғи *Cucurbita moschana Duch.* Узун палакли формаларни бирлаштиради, мева банди қиррали бўлиб, меваси томон кенгайиб боради. Мевалари катта кичиклиги, ранги ва шакли жиҳатдан ҳар хил, эти қаттиққина ҳидли ва оловранг тусда бўлади. Яхши ифодаланган экологик географик типлар деб ҳисобланувчи 6 та кенжа турни ўз ичига олади.

References:

1. Эренбург П.М. Гуцалюк Т.Г. Арбузы и дыни. О., «Қайнар».
2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестри. Т., 1999.

3.Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик справочниги.Т., “Меҳнат”, 1987.

4.Кулакова М.Н. Возделывание кабачков, патиссонов и тққв в Узбекистане. Т., “Фан”, 1981.

5.Кучкаров С.К.Дыни Узбекистана (сорта, селекционное использование, семеноводство).Т., 1985, 168 бет.

